

Хар бир юрт султони томонидан давлатчилик тарихида ўнлаб, юзлаб амр, фармонлар, фармойишлар берилади. Албатта, бу фармонларнинг мазмун-моҳиятини, муҳимлигини инкор килмаган холда умумдавлат, умуммиллат манфаатини кўзлаган, шу юрт тарихи ва тараккиётида ўз аксини колдирган давлат хужжатлари, мамлакат бошлигининг фармон-лари хар даврда хам алоҳида ажралиб турган. Ушбу хол подшоҳ Захиридин Мухаммад Бобурга хам тааллукли.

Асл максадга кўчишдан олдин мавзуимизга асос бўлган сатрларни «Бобурнома»дан келтирсак. Бобур ёзади: «Бурунрок ният килиб эрдимким, Раана Сангаа коғирга зафар топсан, тамгани мусулмонларга багишлай. Тавба асносида Дарвеш Мухаммад сор-бон била Шайх Зайн тамга бахшишини ёд бердилар. Дедимким, яхши ёд бердингиз, илигимиздаги ви-лоятда мусулмонларнинг тамгаси бахшиш бўлди. Муншийларни тилаб, буюрдимким, бу икки азимуш-шаън умурким, вokiъ бўлди, бунинг ихборига фармонлар битгайлар. Шайх Зайннинг иншоси била фармонлар битилиб, жамиъ каламравга йиборилди».

Бобурнинг бундай карорга келиши унинг умри-нинг охиррогида, аникроги вафотидан икки йил олдин содир бўлган. 1528 йил воқеалари. Бобурнинг Хиндистон билан boglik юксак орзуси - Амир Темур салтанатини кайта тиклаш ва унинг худудини аввалгидек темурийлар тасарруфига киритиш учун жон-жаҳди билан кураш олиб бораётган вакт эди. Маълумки, Бобурнинг юксак саркардалик, харбий маҳорати, колаверса лашкар билан ишлашда кобилиятли психолого-сифатида иш кўриши туфайли сон жихатидан бир неча марта кўп, жанговар филлар ва маҳаллий шароитга мослашган харбий куроллар билан таъмин-аган Иброҳим Лўдийнинг юз минглик армияси усти-ан галаба козонган. Шундан сўнг, Хиндистондаги кўпгина шахар, кишлок ва ўлкаларга бош бўлган рожалар, саркардалар урушсиз кўл остидаги бошқарувни Бобур салтанатига топшириб, ортичка кон тўкиш бефойда эканлигига акллари етиб, муроса билан давлатчилик ишларини давом эттирганлар.

Аммо, уларнинг орасида хам ўз юрти озодлиги ва дахлсизлигини рўкач килиб, шароитдан фойдаланиб ўз мулкини кенгайтиришни максад этган саркардалар, рожалар хам бор эди. Шулар дастлаб Бобур салтанатини тан олишмаган, Раана Сангаа каби эъти-борли рожалар кўпгина ўлка рожаларини бирлаштириб, урушга хозирлик кўрадилар, Бобур томонидан белгиланган ер, даромад соликларини тўлашдан бош тортадилар. Албатта, бу хол Бобур сиёсатига мутлако тўгри келмаган ва у хам ўз навбатида Хиндистонда энг иирик саркарда Иброҳим Лўдийни тор-мор этгандан кейинги иккинчи катта юриш - Хиндистон султони -рожаси Раана Сангаага карши жангга хозирлик кўра бошлайди.

Биз, Бобурнинг ушбу урушга кандай хозирлик кўргани, унинг асл сабаблари нимада эди, ушбу муҳорабани катта галаба билан якунлаганлиги хакида батафсил сўз юритмаймиз, бу алоҳида катта тадқикотни талаб киладиган мавзу. Бунда Бобур нима учун айнан шу галабасидан сўнг фармон бериб уни «АЗИМУШ-ШАЪН» деб атаганилигига эътиборни каратмокчимиз. Мазкур масалани кенгрок ёритишга Бобур фармонининг матни талайгина маълумот беради. Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, Бобурнинг бу

Муаллиф:

20.01.2014 19:54 -

фармонида голиб подшохнинг галаба нашидаси, фахрияси бор. Фармонда биринчи нав-батда исломий таълимот - Оллохга ШУКР этиш масаласи юксак тарбиявий охангда ўз ифодасини топган. Бунда, Бобурнинг астойдил шукр дейишга асоси бор эди. Ахир, ўз ютида, ўзининг кондош темурийзодаларнинг юрга эгалик боис тож-тахт талашилари, сарсон-саргардонликдан сўнг такдир унга Хиндистондек буюк давлатни ўз тасарруфига киритиши насиб этди, бу мамлакатнинг йирик шахарлари кариб курашсиз унга бўйсунди. («...муваффакият кўллари галаба нишонли байрокларимизни Дехли, Агра, Жўнпур, Харид, Бихар ва бошка ўлкаларда кўтарди»), Шу боис, Бобур «хар неъматга бирор шукр лозим ва хар шукрга унинг кетидан бирор неъмат» деган хикматнамо фикрни фармонига киритади. Бемалол айтиш мумкинки, Бобурнинг бу фикри бугунги мустакиллигимизнинг хар бир неъмати, ютуига шукроналар килишимиз лозимлигига хам асос беради. Чunksи, бугунги шукримиз ортидан келгусида «бирор неъмат»нинг келиши аниклиги хам тайин.

Бобур ўзининг бу фармонида «шукр» мавзуига янада чукуррок кириб боради. Каламравида бўлган зобиту аскарлари, беку шахзодалар, баъзан мулоим, гохида яккаш зодагон аёлларни инсофга чакириш, Хинд ўлкасининг диккинафас иклимига чидам бериш, Оллох насиб эттирган юксак зафарлар шукронаси боис Бобур салтанатига садокат билан хизмат килиш рухиятини сингдиришга харакат килади. Бобур бу лахзада аник тасаввур этганки, кўл остидагиларга зулм, ситам, жазо ва кистовлар ўтказиш билан уларни Хиндистонда олиб колиш мумкин эмас. Шунинг учун Раана Сангаа устидан галаба килиш учун факат лашкар сафини жипслаштириш, хиёнат, соткинлик ва айникса кочкинликка йўл бермасликнинг ягона йўли маънавий таъсир оркали иш кўриш деб билади ва «шукр» тушунчасига яна ургу беради: «Шукр шундай бир неъмат мукобилида бўлсаки, дунёда хеч бир бойлик ундан буюкрок ва охиратда бирор бир яхшилик ундан гўзалрок бўлмаса».

Бобурнинг максади факатгина Амир Темур сал-танатини тиклаш эмас, балки ислом дини тасарруфида бўлган юртларда бу диннинг салохиятини асраб колиш, юксакликка кўтариш, ўзга динлар зугумидан озод килиш хам бўлган. Шу боис, энг биринчи навбатда у бўлажак ракиби Раана Сангаани ана шу шартни бузганлиги, аввал Бобурга тарафдорлик килишга ваъда бериб, кейин сўзидан кайтгани ва боз устига унга карши лашкар тўплаб, урушга шай бўлганлигини мазкур конли мухорабанинг асоси ва сабаби деб билади: «Аммо Раана Сангаа кофир ўтган вактларда кутлуг подшохлигимизга бўйсунгандигини икрор килиб келган бўлса хам, хозирда у тортинди ва кибрланди ва кофирлар жумласидан бўлди мазмунига мувофик шайтонсифат бош тортиб, биздан ажралганларга бошлиқ бўлди».

Бобурнинг бу фармонида унинг давлатчилик сиё-сати, ўша даврдаги тасарруфига кирган юртларга темурийлар салтанати конун-коидаларининг кириб бориши, унинг амалда ишлаши ёки берилган фармонларга хилоф иш тутиши, соликлар низомига риоя этиш ва этмаслик каби саволларга хам аник жавоб оламиз. Бобур унга карши отланган Раана Сангаани энг аввало Хиндистонда Амир Темур салтанати томонидан жорий этилган конунни поймол этганликда, Бобур давлатчилиги конунларини писанд этмасликкина эмас, унга карши кўшин тортиб ахдни бузганликда айблайди. Бобур фармонида ўкиймиз; «Кофиirlар тугини ислом мамлакатларининг икки юзга якин

Муаллиф:

20.01.2014 19:54 -

шахрида тиккан эди. Масжид ва ибодатхоналарни хароб килиб, у жойлардаги мўминларнинг хотин, бола-чакаларини асир килди».

«Захириддин Мухаммад Бобур гозий фармони» Бобур салтанатининг сўнгги йиллари хакида анча мукаммал маълумот беради. Ундан Бобур учун Хиндистонда накадар мушкул шароит вужудга кел-ганлигини хис киламиз. Хинд халки бобурийларга карши курашга Раана Сангаанинг хам катта тазики, хам улар юрагидаги ватанпарварлик кайфиятларини жунбушга келтириб, бехисоб лашкарлар тўплагани боис жипслашганлари, бир неча рожалар ва сultonлар муттаҳид бўлганлиги Фармонда келтирилган факт-ракамларда Раана Сангаанинг юксак ташкилотчилигини тан олган Бобурнинг ростбаёнлиги ўз аксини топган: («Махмудхон Исқандархон ўғлининг вилоят ва кишлоги бўлмаса хам, сардорлик умидида тахминан ўн минг суворий жамъ килган эди. Согломлик ва омонлик водийсидан узоклашганларнинг хамма тўплами, Хинд кишлоги ва вилоятида давом этиб келган коида бўйича, хаммаси бўлиб, икки лак бир минг» (икки юз бир минг киши -ХК.) кишига етган.

Биз мухтарам ўкувчиларимизни мазкур жанг тафсилоти билан зериктириб қўйишдан ўзимизни тийган холда таъкидламокчимизки, Бобур лашкарларининг Раана Сангаанинг икки юз мингдан ошик лашкарига карши олиб борган муҳорабаси галаба билан якун-ланади. Бу урушнинг тафсилотлари тарихда, турли даврларда турли хил тахлил этилган. Бирок бир нарса мухимки, Захириддин Бобур ушбу муҳорабани канчалик какшаткич тарзда олиб борган бўлмасин, ислом байробиги ва низомини темурийлар салтанати ерларида янада баркарорлигини таъминлашга эришмаган бўлмасин, маглуб хиндуларни «кофирилар» деб атаб унга «гозийлик» унвони берилган бўлмасин, подшоҳ Бобур ўзининг мазкур фармони билан Шарқ тарихида мисли кўрилмаган юксак маънавий даражага эга эканлигини кўрсатди: агарчи бунда хиндалар унга карши душманона алфозда бўлса хам у анча-дан бери орзу килган ниятини амалга оширади. Яъни ўзининг кўл остидаги барча номусулмон бўлган миллатлардан ундириладиган ТАМГА солигини бекор килади. Шу боис, Бобурнинг Раана Сангаа устидан голиб келиши боис хиндалардан хам тамга солиги бекор килинади. Бемалол айтиш мумкинки, бу хакикатда хам Бобур айтгандек, унинг энг буюк, мазмунан юксак «азимуш-шаън», яъни инсон шаънини юксакликка кўтарувчи фармон эди.

Иккинчи томондан, бу Бобурнинг Хинд лашкар-бошиларига эмас, хинд халкига кўрсатган баланд химматининг белгиси хам бўлган. У Хиндистондаги урф-одатлар, диний коидалар ва халк анъаналарига эхтиром билан ёндошиш борасида кўп фикр юритган. Масалан, унинг ўғли Хумоюн мирзога ёзган васиятида куйидаги сатрларни ўқиймизки, фикримизга далил бўла олади: «Эй фарзанд! Хиндистон мамлакати турли мазхаблардан иборат. Субхонолло таоло хакки сенга буюрилдики, хар бир мазхабга пок калб билан карагин, хар бир мазхаб ва тарикатга адолатли бўл. Хусусан сигирни курбон килишдан саклангинки, бу Хиндистон халкининг калб ардоги ва бу вилоят ахли подшоҳга яхши назар билан bogланади...»

Бобурнинг бу васияти маълум сабабларга кўра унинг фарзандлари томонидан кенг микёсда амалга оширилмаган бўлса хам ўғли Хумоюннинг фар-занди Акбаршоҳ бобоси Бобур мирзонинг васиятларини боридан кўра юксак даражада адо этди, хатто у

Муаллиф:

20.01.2014 19:54 -

Хиндистанда ислом ва будда динларининг муштарак - омихта динини яратишга хам уриниб кўрди.

Хуллас, Бобурнинг бу муҳим фармони заминида унинг маълум даражадаги багрикенглиги, шароитдан келиб чикиб, салтанати иктиносий холатининг танглашувига олиб келиш мумкинлигига карамасдан оддий халк манфатини кўзлагани билан хам муҳим.

Бобурнинг иккинчи «азимуш-шаън» фармони бевосита биринчи фармон билан чамбарчас боғлик. Аникрок килиб айтсак, бу фармон хронологик ва тарихий воеаларнинг акс этиши жихатидан юкоридаги фармондан олдинрок юзага келиши керак эди. Бирок Бобур Раана Сангаа билан бўладиган йирик муҳорабага тайёрланар, бу умрининг мазмуни ва максадларининг гултожи бўлган жангга астойдил киришганлиги боис мазкур фармонни бериш маълум муддатда оркага сурилган эди.

Агар Бобурнинг бу фармони бошида Оллох томонидан берилган ризк ва имкониятларга шукроналик баён этиш асос килиб олинган бўлса, асосий кисмида инсон тарбиясининг яна бир жихати - Куръонда ва Хадиси шарифда кайта-кайта зикр этилган НАФСНИ ТИЙИШга багишлиданади. Чунки, мазкур фармоннинг бosh гояси ва шох Бобурнинг максади хам бутун салтанати худудида май, шароб ва инсонни сархуш этувчи ичимликлар ва воситаларни ман этиш, хеч каерда, хар кандай шароитда уни истеъмол этмаслик фармони эди, бу: «... Инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завк келтирувчи ёқимли нарсаларни тарк этиш Худонинг тавфик беришига ва осмоний кўмакка боғлик. Башар нафси ёмонликка майл этишдан узок эмас».

Бобурнинг бу фармони мазмунига киришишдан олдин унинг майдонга келиши заминига бир назар солсак. Бобурнинг ўзи 23-24 ёшига етгунга кадар шароб истеъмол килмаган ва бу одатни у ўзига бетона билган. Бирок гемурийлар, айникса Хусайн Бойкаро саройидаги майпастрик, унинг ўгиллари Бадиuzzамон мирзо ва Музаффар мирзонинг меҳмондорчилигига катнашган Бобурда умуман майга рагбат бўлмаганлиги («Кичикликта бемайл эдим, чогир (май, шароб -ХК.) нашъа ва кайфиятин билмас эдим. Отам гоҳиким чогир таклиф килсалар хам узрлар айтиб иртико бильмас эдим») алоҳида таъкидланган. Бобурнинг икрорича, бу ёшда шароб истеъмол килса хам бирор унга каршилик билдиримаган. Хиротнинг энг кўркам Боги Жахоноро кўшкида Бадиuzzамон мирзо томонидан Бобур ва унинг сафдошлари шарафига берилган базм тасвири «Бобурнома»да келтирилган. Бобурнинг юкоридаги фармони билан бу тасвирнинг бевосита алокаси бор. Бобур 47 йил умр курган. Хаётининг 23 йилигача май ичмаган, вафотидан икки йил олдин юкоридаги фармон боис нафакат ўзи, балки бутун салтанатида шароб ичишни ман этган. Бадиuzzамон мирзо базмидаги Бобурнинг май ичишга накадар локайдлиги, бепарволиги, бу ишдан хазар килиши, темурийзодаларнинг мастиликка ружулари баландлигини афсус билан ёзади: «Бадиuzzамон мирзо Музаффар мирзо меҳмондорлигини эшитиб, Боги Жахонорода Муқаввийхонада мажлис тартиб килиб, мени тилади».

Бирок замонанинг Бобур бошига туширган ташвишлари, Хисор тогларида ялангоёқ юриб, товонлари ёрилиб кўмак берадиган бирон кимсаси колмаганидан, атрофдагиларининг хиёнаткорлиги ва айримларининг муртадлиги Бобурнинг хам майга юз тутишга, май,

Муаллиф:

20.01.2014 19:54 -

чогир, маъжун истеъмол килишига сабаб бўлган. «Бобурнома» сахифаларидан биз унинг гоҳида пайдар-пай, гоҳида гамларининг бартарафи учун майга мурожаат этганини кўрамиз. У юкоридаги фармонни бергунига кадар уч марта май ичмасликка аҳд килади, аммо уни тарк этишга иродаси етмади:

Май таркини килгали паришондурмен,
Билмон килур ишимнию хайрондурмен.
Эл барча пушаймон бўлуру тавба килур,
Мен тавба килибмену пушаймондурмен.

Юкоридаги мисоллардан кўринадики, Бобур худудида майни тарк этиш фармонини бергунга кадар ўзининг ички оламида катта карама-каршиликлар, рухий курашларни бошидан кечирган. У нафакат давр, балки бутун инсоният бошига кулфат бўлиб ёғилган бу одатдан сакланишга чакирган. Не хасратки, бу иллат Бобур давридагина эмас, хозир хам дунёнинг катга муаммоси бўлиб келмоқда.

Шунга карамасдан, Бобур ўзини енгади, фармон кучга киради. Бирок масаланинг бошка томони - нега фармон айнан Бобурнинг Раана Сангаа билан бўладиган йирик мухорабасидан олдин берилди? Бу жуда катта сиёсий, ижтимоий ва тарбиявий ахамиятга молик масала. Чунки, Бобур темурий салтанатнинг яхлитлигини энг аввало давлатчиликдаги тартиб-интизом, соглом акл ва хушёрлик замирида кўради. У фармоннинг асосий максадига кўчишдан олдин кўл остидаги бекзодалар, амирлари билан психологик тарбия олиб боради, майни тарк этиш киши руҳиятини поклаши катори инсонда иродани тарбиялаши, душманга карши бирликка куч бериши, колаверса бу интилиш шариат конунига риоя этиш хам эканлигини уқтиради: «... Инсонлик такозоси, подшохлар расм-русуми подшохлик лавозими, ман-сабдорлар одати бўйича шоҳдин тортиб сипохийгача гўзал ёшлар кунларида шариат ман килган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгиларга ружу килинар-ди. Бир канча вактдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарк килинар ва чин тавба билан уларга кайтиш эшиги ёпилар эди».

Бобурнинг мазкур фармонини диккат билан мутолаа килар эканмиз, унда «Бобурнома» муаллифининг юксак рухий тугёнлари, ўзининг ички зиддият-лари билан узок муддат тинмай кураш олиб борганлигини кўрамиз. Ичкиликни тарк этиш Бобурнинг бош максади бўлса-да, у хам ўша жамиятнинг бир фарди, гунохкор banda сифатида ўз иродасини ёнга олмаганлиги, бу муқаддас максадни анча муддат пайсалга солиб келганлигини очик тан олади. «Хар иш вактига boglik» дея ўзини тергаб «парда остига бекиниб юзни кўрсатмас эди» деб шохлигига карамасдан жамият ахлини инсофга чакириш боис касри нафсига барҳам берганлигини кўрамиз: «... Гунох ва саркашлик асбобининг илдизидан кўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлик жиддият билан кокдик, тавфик йўлловчиси «Кимки астойдил эшик кокса, киради» мазмунига мувофик икбол эшигини очди ва бу урушни нафсга каршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлишни буюрди».

Мазкур матннаги бир-икки ўринга диккатни тортамиз. Биз мумтоз адабиётимиз дурданаларини мутолаа этар эканмиз, биринчи галда бу манбалар бугунги ёш авлодни, умуман инсоннинг тарбияси, ахлоки, жамиятга бўлган муносабатига канчалик фойдаси тегишини ўйлашимиз, энг муҳими мутолаадан кейин биз Бобур сингари ўзимиздаги кайси иллатдан мардларча халос бўлишга интилишмизни назарда тутишимиз керак. Бобур фармонда «тавба эшикларини тўлик жиддият билан кокдик» демокда. Демак, инсон

Муаллиф:
20.01.2014 19:54 -

ўзида мавжуд ножўя харакатлардан, жумладан майпаратликдан хам хавас билан, мавсумий тарзда халос бўла олмайди, унга бархам бериш учун жид-дийлик, ирода талаб этилади. Кейин, Бобур майни тарк этишни унга карши уруш очганлиги билан изохламокда. Бу хам инсон табиатидаги хар кандай нопок харакатни, ўзининг иззат нафсини синдириб, муттасил кураш ва катъийлик билан амалга ошириш лозимлигини таъкидламокда. Шубҳасиз, Бобурнинг бу ўгити бугунги ёшларимизни гиёхвандлик, арок-хўрлик, диний экстремизм, ақидапаратлик кўчаларидан йигиштириб олишга, мустакилликни неъмат билиб, уни мустахкамлаш сари асрлар оша бизга битилган бир чакирик, сирли мактубдир.

Бобур мазкур фармонда май ва унинг салбий оқибатларини жиддий мисоллар билан баён этган. Бу фармон Бобурнинг ўзига хам шавк берган, гурурлантирган. Бобурнинг бу фармони бутун Шарқ давлатчилик тарихида биринчи воеа эканлигини уктирган («Эй раббим, нафсилаrimизни гул килдик»ни ихлос тилига келтириб, «Сенинг олдингда тавба кил-дим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман» деган гапни дил лавхасида накш килдик»). Бу янгилик, хали хеч бир салтанат бошлигининг хаёлига келмаган, иродаси етмаган бу жасоратни ўзи амалга оширганидан мамнунлик билдириган. Бобур тарафдорла-рининг бир оғиздан подшохларининг бу хукмiga содик колишлари яна бир карра саркарда Бобурнинг кўл остидагилар орасида накадар юксак эҳтиромга эгалиги, фукаро, беклар ўз подшохига нечогли бўйсунганинги билдиради. Бобур эса фармонда бу сатрларни жуда юксак гурур, ифтихор ва самимият билан баён этган: «Зафар нишонли ходимлар мубо-рак хукм юзасидан кўплик ва зийнатда юксак юлдузи-дек бўлган, гўзал мажлисни безаб турган олтин ва кумушдан ясалган май идиш ва кадаҳлар ва бошка асбобларни ерга уриб... пора-пора килиб, хар бири-ни мискин ва бечорага бердилар».

Бобур фармонидан келиб чикадиган холатни хам яхши тасаввур этган. «Ичкиликдан кочинглар, шоядки нажот топсанглар» деган жумла Бобур фармонининг мазмуни, турмуш мушкулликларининг ечим топишига ичкиликни тарк этиш катта ёрдам беришини анг-латадики, такрор айтамиз, бу ундов ва таълимот бизнинг давримизда хам жуда мухим ва ахамиятлидир: «Бу орзу ва бу осойишталик тўла-тўқис охирига етгандан кейин, олам бўйсуниши лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдик, тинч сакланган мамлакатда (Худо офат ва хавфлардан омон килсин) мутлако хеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни хосил килишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сак-ламасин, элтмасин ва келтирмасин: «Ичкиликдан кочинглар, шоядки, нажот топсанглар».

Мазкур фармондаги мана бу сатрлар якунловчи бўлиб, унинг мундарижасини ва Бобур максадини янада якколрок тасаввур этишимизга кўмак беради. Унда саховатманд Бобур, шариат конуниятини халк манфаатига йўналтирган Бобур, барча миллат, элат, халкларга ўз ватандошлари катори муносабатда бўлган Бобурнинг мафкураси, карашлари мавжуд: «Бу галабанинг (яъни Раана Сангаа устидан голиб келганлиги - Х.К) шукронаси ва чин тавбанинг кабул даражасига эришмоги (бунда май ичишни ман этиш фармони назарда тутилмокда - Х.К.) нинг садакаси учун, подшохликнинг баҳшиш дарёси жўш уриб, олами ободонлиги ва кишилик обрўи бўлган карам тўлкинларини пайдо килди: бутун мамлакат бўйлаб, ўтган сultonлардан колиб кетган ва даромади хаддан ортик кўп бўлган ТАМГАНИ, ўзи хам шариат коидаларидан ташкари бўлгани учун мусулмонлар устидан

Бобур давлатчилигини безаган фармонлар

Муаллиф:
20.01.2014 19:54 -

олиб ташлаб, фармон содир бўлдики, «хеч шахар, кишлок, йўл, кўча, гузар ва бандарларда тамга олмасинлар ва ундирамасинлар, хам бу хукмнинг коидаларига ўзгартиш киргизмасинлар:

«Кимки буни эшитгандан кейин ўзгартирса, гунохи ўзгартирувчиларга бўлади». Мазкур фармоннинг ўзи хам бобурийлар салтанатида давлат ишларини юргизиш накадар конунларга бўйсунганини, хар бир чикариладиган конун, давлатчиликка оид турли даражадаги хужжатларнинг ижроси ва натижавий якуни назоратга олингани, унинг омма орасида татбик этилиши шартлиги каби тадбирлари туфайли ўта ахамиятли бўлганлигини кўрсатади. Албатта, Бобур бошкарган салтанатнинг галабаси, муваффакияти ва эл олдидаги обрўси хам Амир Темур салтанатида асос солинган ва Бобур даврида муваффакият билан амалга татбик этилган фармонларга хам bogлик бўлган.

Бобурнинг бу фармони ўша захотиёк халк томонидан мамнуният билан кабул килинган. Фармонда келтирилишича, «подшохнинг меҳрибончилигига сигинган турк, тожик, араб, ажам, хинди, форсий фукаро ва сипоҳ - бутун миллатлар, хамма инсон тоифалари бу мангу бахшишга суюниб, умид тутиб, абадийликка бириккан давлатимиз дуосига машгул бўлсинлар ва бу хукмлар ижросидан чикмасинлар ва бурилмасин-лар, фармонга мувофик иш олиб борсинлар».

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, Захирид-дин Бобурнинг бу икки фармони бизнинг давримиз-да хам кимматини йўкотган эмас. Бу фармонларга 500 йилдан ортик вакт ўтди. Пекин бугун хам дунё халклари меҳр, шафкат ва саховатга мухтоҷлиги, соликлар адолатли бўлиши лозимлиги, жамиятни ичкиликка муккасидан кетган кишилардан асраш, уларни инсофга чакириш давом этаётган экан, Бобурнинг «икки азиммуш-شاън» фармони шу иллатлар-дан холос этиш учун хизмат килаверади.

Хасан Курратуллаев